

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI

QARSHI MUHANDISLIK IQTISODIYOT
INSTITUTI

«KIMYOVİY TEKNOLOGİYA» KAFEDRASI

Ro'yxatga olindi:
№ _____
2022 yil " " _____



«UMUMIY KIMYOVİY TEKNOLOGİYA»
fanidan

O'QUV USLUBIY MAJMUA

Qarshi-2022 yil

Mazkur o'quv uslubiy majmuada umumuiy kimyoviy texnologiya fanidan ma'ruza mashg'ulotlari va amaliy mashg'ulotlarni bajarish uchun texnologik hisoblar keltirilgan.

Tuzuvchi:

Kimyoviy texnologiya kafedrasini
katta o'qituvchisi:D.R.Hamidov

Taqrizchilar:

Kimyoviy texnologiya kafedrasini
dotsenti Yu.X.Xidirova

QDU dotsenti A.A.Qodirov

Mazkur uslubiy ko'rsatma Kimyoviy texnologiya kafedrasining 20__ yil__ __ __ №__ -sonli yig'ilishida ko'rib chiqilgan.

Sanoat texnologiya fakultetining 20__ yil__ __ __ №__ -sonli yig'ilishida ko'rib chiqilgan.

QMII ilmiy-uslubiy kengashning 20__ yil__ __ __ №__ -sonli yig'ilishida muxokama qilinib, chop etishga ro'xsat berilgan.

Kirish

Mazkur o'quv uslubiy majmuada umumiy kimyoviy texnologiya fanini o'rghanish uchun kerak bo'ladigan mavzular keltirilgan. Bundan tashqari amaliy mashg'ulotlar uchun masalalar to'plami keltirilgan.


O'yaymizki, ushbu majmuada keltirilgan materiallar talabalar mazkur fanni o'zlashtirishga xizmat qiladi.

TA'LIMTEXNOLOGIYASI

Ma'ruza dasturi uchun



Laboratoriymashg'ulotlariuchun



Amaliymashg'ulotlaruchun



1.Мавзу: Кириш. “Умумий кимёвий технология” фанинг мақсад- вазифалари, ўқув жараёнида тутган ўрни

Режа:

1 . Кириш

2. Фаннинг мақсад ва вазифалари

3. Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни

Замонавий саноат ривожланиши кимёвий технология соҳалари бойича мустаҳкам билимга эга бўлган кучли билимли мутахассисларни тайёрланишини талаб этади. Бу йўналишда “Умумий кимёвий технология” фанинг аҳамияти шундаки, у талабаларга кимёвий технологиянинг асосларини ўргатадиган фандир.

“Умумий кимёвий технология” фанинг ўқув дастури кимёвий технологиянинг назарий асослари, кимёвий реакторларнинг таснифи ва кимёвий технологияда борувчи жараёнларнинг моддий ва иссиқлик балансларини ҳисоблаш, асосий ноорганик ва организ ишлаб чиқаришларни ўз ичига олган бўлимлардан ташкил топган.

Фаннинг мақсад ва вазифалари

Фаннинг мақсади- талабаларни кимёвий технологиянинг асосий тармоқлари билан таништириш, кимёвий технологик жараёнларни оптимал шароитда олиб боориш, жаҳон андозаларига мос кимёвий маҳсулот ишлаб чиқариш, чиқиндисиз технологияларни яратиш учун ноорганик ва организ маҳсулотларни ишлаб чиқариш технологик тизимларининг таҳлили ва улар элементларини ўзаро ҳаракатларига таянадиган юқори самарали кимёвий технологик жараёнлар ва улар ҳақида фундаментал билимларни бериш, ҳамда эгалланган билимлар бўйича кўникма ва малакаларни шакллантиришдан иборатdir.

Фаннинг вазифаси- талабаларга кимёвий технологиянинг назарий асослари, ноорганик ва организ кимёвий ишлаб чиқаришларнинг назарий ва амалий масалаларини еча олишлари учун олинган билимларини амалий жиҳатдан таҳлил қилишга ўргатишдан иборат.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

“Умумий кимёвий технология” фанини ўзлаштириш жараёнида бакалавр:

- ❖ Кимёвий жараёнларнинг қонуниятлари;
 - ❖ Кимёвий реакторлардаги жараёнларнинг математик моделлари;
 - ❖ Кимё-технология тизимлар (КТТ) тузилмаси;
 - ❖ КТТ синтези ва анализи;
 - ❖ Полимер ишлаб чиқаришнинг технологик усуллари ҳақида тасаввурга эга бўлиши;
 - ❖ Ишлаб чиқариш самарадорлигини баҳолаш мезонлари;
 - ❖ Изотермик ва ноизотермик жараёнларни;
 - ❖ Полимерларнинг қўйи молекулали бирикмалардан фарқини билиш ва улардан фойдалана олиши;
 - ❖ Ноорганик моддалар ишлаб чиқариш технологияларини тавсифлаш;
 - ❖ Полимерларни қайта ишлаш;
 - ❖ Полимер ҳосил бўлиш реаксияларини амалда қўллаш кўникмаларига эга бўлиши лозим.
- Фанни ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги**

“Умумий кимёвий технология” фани умумий касбий фанлар мажмусига тааллуқли бўлиб, талабалар уни V-VII семестрларда ўрганишади.

Бу дастурни амалда бажариш учун талабалар ўқув режасида режалаштирилган математик ва табиий (“Олий математика”, “Умумий ва ноорганик кимё”, “Физика”, “Амалий меҳаника”), умумкасбий (“Органик кимё” “Аналитик кимё”) фанлардан етарлича маълумотларга эга бўлишлари лозим.

“Умумий кимёвий технология” фани “Асосий технологик жараёнлар ва қурилмалар”, барча йўналишдаги бакалаврлар ихтисослик фанларини ўрганишда асос бўлиб хизмат қиласди.

Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни

“Умумий кимёвий технология” фани ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғланган, чунки у кимёвий тармоқларнинг ишлаб чиқариш жараёнларини, уларни тезлигини ошириш тадбирларини, каталитик жараёнларни нимеханизмини, реакторларни моддой ва иссиқлик балансларини чиқаришларни, ноорганик ва органик ишлаб чиқаришларни ўргатади.

Бунда жараёнларни оптимал шароитда ўтказиш учун технологик параметрлар таъсирини аниқланиб, қайтар жараёнларни юқори тезлиқда олиб боориш шароитларини топилади ва шу жараёнларга таъсир этиш йўллари ўрганилади

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Талабаларнинг “Умумий кимёвий технология” фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишининг замонавий усусларидан фойдаланиш, янги информацион- педагогик технологияларни тадбиқ этиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, ма`руза матнлари, технологиялар мажмуси, тарқатма материаллар, электрон материаллардан фойдаланилади. Маъруза, амалий ва лаборатория дарсларида мос равишдаги педагогик технологияларидан фойдаланилади.

Назорат саволлар:

1. Фаннинг мақсад ва вазифалари?

2. Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни?

2-Mavzu: Кимёвий техника ва технология ривожланишининг асосий йўналишлари.

Режа:

1. Кимёвий технологиянинг ривожлантиришининг асосий йўналишлари.

2. Тоза хаво, атроф муҳитни химоя қилиш.

3.Кимёвий техника ривожланишининг асосий йўналишлари.

XIX асрда маоданли конлар, металлургияга хос жараёнлар, шиша, чинни, кислота, асос (ишқор) ва тузлар ишлаб чиқаришга доир таълилий тадқиқотлар асосида ривож топган анорганик кимё ўзининг

йўналиши жиъатидан органик кимёдан анча узоқ мавқеда бўлиб, кимёвий фанлар қаторида иккинчи ўринни эгаллаган эди. Ўша замон анорганиклари сода тайёрлаш, сульфат кислотани катализаторлар иштироқида ишлаб чиқариш, маҳсус пўлатлар яратиш, металлшунослик саҳасидаги жараёнларни ўзларининг биринчи ўриндаги муваффақиятлари деб билар эдилар. Д.И. Менделеевнинг даврий қонуни ва даврий системасининг кашф этилиши ўтган асрнинг оламшумул илмий муваффақияти бўлди. Бу кашфиёт анорганик кимёнинг XX асрдаги эгаллаган ҳолатини ва унинг янги асрдаги ролини белгилаб берди.

XX асрда фан тез суръатлар билан ривожланди, термодинамиканинг муваффақиятлари кимёнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатди, электр токи ёрдамида ҳаводан азот (II) – оксиди олиш, Габер усулида синтетик аммиак ишлаб чиқариш йўлга қўйилди; радиоактивликка оид илмий ва амалий ишлар рўёбга чиқди, магний органик синтезлар туфайли ва координацион бирикмалар кимёсининг жадал ривожланиши натижасида анорганик кимёнинг назарий ва амалий асослари маълум муваффақиятларга эришди.

Модда (атом ва молекулалар) тузилишига доир назарияларнинг ривожланиши анорганик кимёни жуда муҳим муваффақиятлар томон йўналтириди. XX асрнинг 50 – йилларига келганда олимлар ядро ёқильисининг моятигини ва транс-уран элементлар синтезини ўзлаштиришга муваффақ бўлдилар. Даврий системанинг энг оғир элементлари ва улар бирикмаларини тадқиқ этиш саҳаси радиоактивлик билан алоқадор эканлиги туфайли анорганик кимёнинг янги бир саҳаси – *радиокимё* йўналиши яратилди. Бу саҳанинг

1.1. Кимё саноатини ривожлантиришнинг бозор иқтисодиёти шароитидаги роли

Технология - саноат маҳсулотларини хом – ашёлардан ишлаб чиқариш жараёнлари ва усуллари ъақидаги фандир.

Ишлаб чиқариш усуллари – хом – ашёдан тайёр маҳсулотларни олиниш жараёнларини ўз ичига олади.

Кимёвий технологиянинг назарий асослари

Технология-табиий хом ашёдан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнлари ва усуллари тўғрисидаги фан.

Ишлаб чиқариш усули - хом ашёдан маҳсулот ишлаб чиқарилгунча бўлган жараёнлар йиъиндисидир. Ишлаб чиқариш усули тегишли машина ва апаратларда кечадиган жараёнлардан иборат жараёнлар йиъиндиси химик-технологик системани (ХТС) ташкил этади. ХТС тавсифи технологик схема дейилади. Жараён битта ёки ¹⁰ бир нечта аппарат (машина)да амалга ошади. Кимёвий аппаратлар реакторларда одатда гидравлик, иссиқлик, диффузион ва ъақиқий химиявий (реакцион) жараёнлар кечади.

Химиявий технология шартли равища анорганик ва органик моддалар технологиясига бўлинади, лекин технологиянинг иккига бўлиниши умумий қонуниятлар билан бойланган.

Кимё саноатининг аҳамияти ва ривожланиши тарихи

Кимё саноатининг техник прогрес ва ъалқ талабини қондиришдаги аҳамияти химия саноати ъалқ ъўжалигини турли-туман маҳсулотлар билан кўплаб миқдорда таъминлайди.

Қазилма ёнильига (тошкўмир, нефть, торф, сланец) кимёвий ишлов бериш натижасида ҳалқ ъўжалиги кокс, мотор ёнильлари, ёнувчан газлар, мойлаш мойлари ва кўплаб органик моддалар сингари муҳим маҳсулотларни олади. Химия ва химия саноати мамлакатга амиак, нитрат, сульфат ва фосфат кислота сингари маҳсулотлар ишлаб чиқариб, улардан минерал ўғитлар ишлаб чиқарилади. Табиатди кенг тарқалган ош тузидан ўювчи натрий, хлор, хлорид кислота, сода сингари маҳсулотлар олиниб, улардан ўз навбатида саноатда алюминий, ойна, қоъз, совун, турли матолар, суний толалар, пластмассалар, активлаштирилган

күмир, тутунсиз порох, сирка кислота, этил ва метил спиртлари, канифоль, ароматик қатор бирикмалари сингари моддалар ёъочга ишлов бериш натижасида олинади.

Замонавий металлургия саноати ва машинасозлик, космонавтика, авиаация ва автомобил транспорти, қурилиш материаллари ва кўплаб халқ ъўжалиги истеъмол товарлари ишлаб чиқариш каби саҳалар туфайли ривожланишнинг янги босқичига кўтарилиди.

Техник прогресснинг асосий жабхаларидан бири ъалқ ъўжалигини химиялаштиришdir.

Химиялаштириш деб ъалқ ъўжалигига химиявий усуллар, жараён ва материалларнинг тадбиқ этилишига айтилади. Бу эса хом-ашёдан комплекс фойдаланишга, ишлаб чиқаришни рационал ташкил этишга ва чиқиндилардан оқилона фойдаланишга имкон беради.

Мамлакатимизнинг озиқ-овқат программаси қишлоқ ъўжалигини ҳар томонлама химиялаштиришни кўзда тутган. Замонавий юқори сифатли ва юқори унумдорликка эга минерал ўғитлар, заҳарли химикатлар (зараркуранда ва бегона ўтларга қарши кураш воситалари), консерванлар ва суной озуқаларсиз қишлоқ ъўжалигини интенсивлаштириб бўлмайди.

Биосферани химоя қилиш мақсадида турли корхоналарни оқава сувлари ва чиқинди газларини тозалашни химиявий тозалаш усуллари кенг қўлланилади.

Камунал ва майший хизмат соҳаларида хам кўплаб химиявий маҳсулотлар ва воситалардан фойдаланилади.

Кимёвий техника ривожланишининг асосий йўналишлари

Кимёвий техникани такомиллаштириш меҳнат унумдорлигин ошириш, тайёр маҳсулот сифатини яхшилаш ва унинг тан нархини камайтиришга қаратилган. Химиявий техникани ривожланишидаги ўзаро боъланган асосий йўналишлар қўйидагилардир:

- 1) аппаратлар масштабини кенгайтириш.
- 2) Аппаратлар ишини интенсификациялаш
- 3) Мехнат талаб жараёнларни механизациялаштириш
- 4) Жараёнларни автоматлаштириш ва дистонцион бошқариш.
- 5) Узлукли жараёнларни узлуксизлаштириш.
- 6) Реакция иссиқлигидан фойдаланиш
- 7) Чиқиндисиз технологияларни яратиш.
11

Аппаратлар масштабини катталаштириш уларнинг унумдорлигини ошишига ва меҳнат шароитини яхшилашига олиб келади. Унумдоролик Π вақт бирлиги ичida ишлаб чиқарилган τ маҳсулот ёки қайта ишланган хом ашё G миқдори билан ўлчанади.

$$\Pi = G/\tau$$

Аппаратлар унумдорлигини ошириш ва ўлчамларини катталаштириш заводлар қурилишига кетган маблальарини камайтиради ва ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштиришни енгиллаштиради. Иқтисодий самарадорлигидан келиб чиқсан холда ўрнатилаётган машина ва аппаратларнинг куввати дойимий равшда оширилмоқда. Масалан сўнги 20 йил ичida сульфат кислота ва аммиак ишлаб чиқарувчи реакторларнинг куввати 30 маротаба ошди.

Аппаратлар ишини интенсификациялаш - аппаратларнинг унумдорлигини ўлчамларини

Назорат саволлар:

1. Кимёвий технологиянинг ривожлантиришининг асосий йўналишлари.

2. Тоза хаво, атроф мұхитни химоя қилиш.

3.Кимёвий техника ривожланишининг асосий йұналишлари.

3-Мавзу: Кимёвий маҳсулотларнинг сифати ва таннархи.

РЕЖА:

1.Асосий техник иқтисод кўрсаткичлари

2..Ишлаб чиқаришнинг асосий техник иқтисодий кўрсаткичлари.

Маҳсулотнинг чиқиши. сарфланиш коэффициентлари, таннархи, ишлаб чиқариш қуввати. унумдорлиги, капитал сарфлар.

Корхонанинг техник кўрсаткичлари кимёвий-технологик жараён сифатини белгилайди. Ишлаб чиқаришнинг фойдали ва самарали эканлигини, тсҳнологик жараённинг замон талабидалигини аниқлаш учун зарур кўрсаткичлар бир неча гуруҳларга ажратилади.

Ишлаб чиқариш унуми (қуввати) - олинаётган маҳсулот ёки қайта ишланаётган хом ашёning вақт бирлигидаги миқдоридир: $Y = M/t$ бу ерда Y - унум ; M - олинаётган ёки қайта ишланаётган хом ашёning t вақтдаги миқдори .

Одатда унумни 1 соат ёки 1 суткада ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори билан нфодаланади, бунда ишлаб чиқаришнинг тўхтамасдан ишлаш рсжимидағи максимал имконига каралади.

Узоқ вақт иш даври, масалан, йиллик унумда ишлаб чиқариш режа асосида тўхташлари ҳисобга олинади.

Шуларни ҳисобга олиб, кимёвий ишлаб чиқариш учун йиллик унум соат ёки суткага боғлаб 8000 соат ёки 330 сутка қилиб бедріланади.

«У»нинг катталиги ҳар бир ишлаб чиқаришга боғлиқдир. Катта корхона йилига ўнлаб ёки юзлаб тонна маҳсулот чиқаради.

Масалан, сульфат кислота саноатида йилига ўртача 360-500 минг тонна (суткасига 1080-1500 тонна), аммиак саноатида 450 минг тоннагача (суткасига 1360 тонна) маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Нефтни бирламчи ишлаш ускунаси йилига 2 миллион тоннагача бўлган хом ашёни ишлатади. Кам тоннажли ишлаб чиқаришда эса (реактивлар, тарқоқ металлар, органик синтез маҳсулотлари) унум соатига килограмм ва ҳатто граммларда ўлчанади.

Сарфлаш коэффициенти маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун сарфланган хом ашё, материалар ёки энергияни англашади. Унинг катталиги [хом ашё килограмми/маҳсулот тоннада],[м3 хом ашё/килограммдаги маҳсулот] ва ҳ.к.ларда аниқланади. Сарфлаш коэффициенти маҳсулот ишлаб чиқаришга кетган харажат миқдорини кўрсатади, аммо сарфланаётган компонентлар ишлатишнинг самаралилигини ҳисобга олмайди. Бу қўйидаги кўрсаткич билан аниқланади.

Маҳсулот чиқиши - ишлатилган хом ашёдан олинган реал маҳсулот миқдорининг мазкур хом ашёдан максимал миқдорда назарий олиниши мумкин бўлган миқдорига нисбатидир.

Масалан, бир тонна нитрат кислотаси олиш учун реал шароитда 296 кг аммиак (HN_3) сарфланади. Агар аммиак тўла равишда нитрат кислотасига айлантирилса, аммиакдан 270 килограмм етарли бўйларди. Маҳсулот чиқиши 91-93 фоиздир. Маҳсулотнинг тўла чиқмаслиги айланишнинг тўлаэ маслиги, йўқотиш, аралашмалар борлигидандир.

Иқтисодий кўрсаткичлар корхонанинг иқтисодий самарадорлигини белгилайди. Маҳсулот таннархи - маҳсулот бирлиги учун сарфланган харажатлар.

Таннарх хом ашё, энергия, кўшимча материаллар; жиҳозга кетган бир вақтдаги сарф-харажатлар, капитал харажатлар; ишчилар меҳнати учун тўланган сарфни ўз ичига олади.

Меҳнат унуми - вақт бирлигига (одатда бир йилда) бир ишчига ҳисоб қилинганда маҳсулот миқдори бўлиб, корхона меҳнат сарфининг самаралилиги кўрсаткичидир.

Иқтисодий кўрсаткичлар техник кўрсаткичлар асосида ҳисобланади. Булардан баъзилари (унум, сарф-харажатлар коэффициентлари, солиштирма капитал харажатлар) пул ҳисобида юритилиши мумкин. Булар ва иқтисодий кўрсаткичлар техник-иқтисодий кўрсаткичлар деб юритилади.

Эксплуатацион кўрсаткичлар кимёвий-технологик жараён-ларда ва корхонада уларни эксплуатация килишда юзага келадиган (регламент шароитлари ва ҳолатдан фарқланувчи) ўзгаришларни характерлайди.

Ишончлилик маълум вақт ичига жиҳозлар ёки корхонанинг ўзида авариясиз ёки тўхтовларсиз ишнинг ўрта вакти билан характерланади. Мазкур кўрсаткич ишлатилаётган жиҳозлар сифати ва уларни тўгри эксплуатация қилишга боғлиқдир.

Ишлашдаги хавфсизлик - корхона ходимлари, жиҳозлар, атроф-муҳит ва ҳалқа зарар етказиш эҳтимолидир.

Бошқарилиш ва йўлга солиш - жараён кўрсаткичларини зарур чегаларда ушлаб туриш, жараён шароитлари ўзгариш каттали-

ги, бошқариш параметрлари ва уларнинг ўзаро таъсир доираларини аниқлашдир (бошқариш мураккаблиги).

Социал кўрсаткичлар ~~да~~ мазкур корхона иш шароити ва унинг атроф-муҳитга таъсирини белгилайди.

Хизматнинг заарсизлиги - ишлатилган кишиларнинг санитар-гигиеник шароитлари газланганлик, чангланганлик, шовқин даражаси борасида нормаларга ҳамоҳанглиги.

Автоматлаштириш ва механизациялаш даражаси корхонани эксплуатация килишдаги қўл ва оғир меҳнат улуши билан аниқланади.

Экологик хавфсизлик - корхонанинг атроф-муҳит ва рсгиондаги экологик вазиятга таъсир даражасидир. Кимёвий ишлаб чиқаришнинг асосий кўрсаткичларига назар ташлар эканмиз, унинг лойиҳаланиши, қурилиши ва ишлашига

бўлган талаб катта эканлигига яна бир бор амин бўламиш.

Бундай талабларнинг жуда яхши ишлаб чиқилишнга карамай, айрим ҳолатларда уларнинг бир-бирига зид ски бир-бирига халақит бериши ҳам кузатилади. Демак, кенг канровли ечимлардан фойдаланишимиз керак бўлади.

Назорат саволлар:

1. Асосий техник иқтисод кўрсаткичлари нималардан иборат?

2..Ишлаб чиқаришнинг асосий техник иқтисодий кўрсаткичлари?

4-5-Мавзу: Кимёвий технологик жараёнлар ҳақида түшинча ва танснифи

РЕЖА:

1. Кимёвий жараёнларни фазолараро ўтиш жараёнлари
2. Диффузия ва кинетик соҳаларида борадиган жараёнлар.

Кимёвий технологиянинг тадқикот обьекти бўлиб, кимёвий ишлаб чиқариш хисобланади.

Кимёвий ишлаб чиқариш - машина ва ускуналар ёрдамида хом ашёни зарур маҳсулотларга айлантиришдаги жараён ва операциялар мажмуасидир.

Бир вақтнинг ўзида бирдай тезликда (1) ва(2) реакциялар боради. Бунда вақт бирлигига қанча янги модда ҳосил бўлса, шунча миқдорда бошланғич моддалар сарфланади. Системанинг бундай ҳолати кимёвий мувозанат дейилади.

Кимёвий ишлаб чиқаришга қўйидаги талаблар кўйилади:

- ишлаб чиқаришда зарур маҳсулотларни олиш;
- экологик хавфсизлик;
- эксплуатация қилишдаги хавфсизлик ва мустаҳкамлик;
- хом ашё ва энергиядан максимал фойдаланиш;
- меҳнат унуми максимал бўлиши.


Хом- ашё ва материалларни маҳсулотга айлантириш жиҳатлари ҳамда жараёнлари йиғиндиси технологик жараён асосини ташкил этади.

Кимёвий-технологик жараён - дастлабки ашёларни максадли равишда маҳсулотта кетма-кет равишида айлантириш жараёни бўлиб, кимёвий ва физик-кимёвий жараёнларнинг мужассамлашувидир.

Кимёвий кинетика кимёвий реакция тезлигини, реакцияларнинг бориш хусусиятларини ва кимёвий ўзгаришлар йўлини ўрганувчи фандир. Турли кимёвий маҳсулотларни саноатда ишлаб чиқаришда реакцияларнинг вақт бирлигига содир бўлиш қонуниятларини, яъни реакция тезлиги ва маҳсулотлар миқдорининг ҳарорат, босим ва реагент ҳамда қўшилманинг концентрацияга боғлиқлигини билиш зарур.

Реакция кинетикасини ўрганиш бир томондан технологик жараённи бошқариш бўлса, иккинчи томондан у моддаларни реакцияга кириш хусусиятининг назарий асосини яратишда мұхим аҳамият касб этади.

Буни аммиак синтезида кўришимиз мумкин:



реакция натижасида ҳосил аммиак бўлади. Жараён 700-850 о К ва 30 МПа босимда олиб борилади. Бунда физик-кимёвий босқич бўлган конденсация, яъни ҳосил бўлган аммиакни ажратиб олиш зарур бўлади.

Реакцияга киришмай қолган азот билан водород реакторга қайтарилади. Босимни ошириш ва газлар циркуляцияси учун уларни сиқиш механик жараён ҳисобланади. Бунда амалга оширилувчи оқимни иситиш ва совутиш эса иссиқлик алмашиниш жараёнига киради.

Азот билан водороддан кўрсатилган босқичларни кетма-кет амалга ошириш орқали аммиак олиш, аммиак синтезининг кимёвий-технологик жараёнидир.

Аммиак ишлаб чиқариш учун аввало унинг хом-ашёлари керак бўлади. Азотни ҳаводан ва водородни табиий газни конверсиялаш йўли билан олинади. Аммиак олишдаги босқич ҳамда жараёnlарни барчаси кимёвий- технологик жараён ҳисобланади.

Аммиак синтези кимёвий-технология жараёнини бириктиради. Кимёвий ишлаб чиқаришнинг функционал элементлари сифатида кимёвий-технологик жараёnlарни 1-4 босқичгacha киритиш мумкин, бунда асосан хом -ашё маҳсулотга қайта ишланади.

Тўла ҳолдаги кимёвий-технологик жараённи асосий бажарилувчи ишга қараб, бир неча турга бўлиш мумкин.

Механик ва гидромеханик жараёnlар - материалларни кўчириш, уларни шакли ва катта-кичикилигини ўзgartiriш, қисиши ва кенгайтириш, оқимларни аралаштириш ва бўлишдан иборат.

Булар ишланаётган материалнинг кимёвий ва фазавий таркиби ўзгармаган ҳолда амалга оширилади. Бунинг учун корхоналарда транспортёрлардан, тош майдалагич, диспергаторлар, қолиплар, компрессор, насос, аралаштиргич ва фильтрлардан фойдаланилади.

Иссиқлик алмашинув жараёnlари - иситиш, совутиш ва фазовий ҳолатни ўзgartiriшdir. Бунда кимёвий ва фазавий таркиб ўзгармайди. Мазкур жараёnlар иссиқлик алмаштиргичлар, қайнатгичлар, кондснатор. Эритгич ва сублиматорларда амалга оширилади.

Масса алмашинув жараёnlар - контактлашувчи фазаларнинг компонент таркиби ўзгарган ҳолда кимёвий таркиб тубдан ўзгармай қоладиган фазалараро жараён.

Булар эриш, кристалланиш, қуритиш, дистиллаш, ректификация, абсорбция, экстракция, десорбциялаш жараёnlар¹⁵ бўлиб, тегишлича аппаратлар бўлган қуритгичлар, дистиллятор, ректификатор, адсорбер, экстрактор ва десорберларда олиб борилади.

Кимёвий жараёnlар - кимёвий реакторларда кимёвий таркибнинг тубдан ўзгариши. Булардан ташқари кимёвий жараёnlарда ишлатилувчи турбина, генератор ва моторлардаги энергетик жараёnlар (иссиқлик, механик, электр каби)да турли энергия турларининг бир-бирига айланиши ҳамда бошқариш жараёnlари (оқимлар ва моддалар ҳолати) буларнинг таркиби ўзгариши ҳақидаги ахборотни билиш ва узатиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бошқариш жиҳозларига датчиклар, сигнал ва ахборот тизимлари, клапан, задвижкалар, вентиллар, автоматик бошқариш тизимлари ва ҳоказолар киради.

Фаза ичida модданинг таркалиши, умуман олганда, молекуляр диффузия билан (агар мухит кузгалмас бўлса) ёки бирданига молекуляр ва турбулент диффузиялар ёрдамида (агар мухит харакатчан бўлса) юз беради.

Молекуляр диффузия. Молекула, атом, ион ва коллоид заррачаларнинг тартибсиз иссиқлик харакати таъсирида модда-нинг таркалиши молекуляр диффузия деб аталади.

Құзғалмас мұхитда, ламинар оқимда ва турбулент оқимнинг фазаларни ажратувчи юза яқинидаги чегара қатламида модда молекуляр диффузия ёрдамида тарқалади. Молекуляр диффузия Фикнинг биринчи конуны билан ифодаланади.

Конвектив диффузия. Фазаларни ажратувчи юзадан моддани суюқ ёки газсінің марказында бериліши ёки аксинаңа фазаның марказында ажратувчи юзага модданиң бериліши конвектив диффузия ёки модда бериш жараёны деб аталади.

Харакатланувчи суюлиқ ёки газда модда молекуляр ва турбулент диффузиялар ёрдамида тарқалади, бу жараёнларнинг йиғіндисі конвектив диффузия деб аталади.

Конвектив диффузия концентрация градиенти, мұхитнің тезлигі ва физик хоссаларига боғлиқ. Конвектив диффузия иккі хил бўлади: табиий (ёки эркин) ва мажбурий.

Концентрациялар ёки температуралар фарқи таъсирида суюқлик мұхитининг ҳар хил қисмларида зичниклар фарқи пайдо бўлади; бу зичниклар фарқи таъсирида модданиң тарқалиши эркин конвекция дейилади. Ташқи кучлар (насос, аралаштиргич ва бошқалар) таъсирида модданиң суюқ ёки газ мұхитида тарқалиши мажбурий конвекция деб аталади.

Диффузион ва кинетик областда борадиган жараёнлар. Ҳосил бўлган маҳсулотни реакцион зонадан олиб чиқиб кетиш ҳам фазалар аро ўтиш орқали диффузия ёки конвекция йўли билан боради. Жараён тезлиги шу элементар жараёнларни тезлигига борлиқ, улар ҳар хил тезликда боради.

Шунинг учун жараённи умумий тезлиги, энг секин борувчи босқич тезлиги билан лимитланади. Агар иккинчи босқич секин борса, химиявий реакция умумий тезликни белгилайди. Бундай жараёнларни кинетик областда борадиган жараёнлар дейилади.

Тезликни ошириш учун бу вақтда T , C , P ёки K -дан фойдаланилади ва уларни кинетик факторлар дейилади.

Агар жараённи тезлигини I- ёки II -босқичда белгиланса, бундай жараёнларни диффузион областда борадиган жараёнлар дейилади. Бунинг учун реакцияга киришаётган компонентларни аралаштиришини құчайтириш, қаттық фазани диспергациялаш, системани гомогенлаштириш ва хакозоларни талаб қиласы.

Назорат саволлар:

16

1. Кимёвий жараёнларни фазолараро ўтиш жараёнлари
2. Диффузия ва кинетик соҳаларида борадиган жараёнлар.

6-Мавзуу: Технологик жараёнларда мувозанат

РЕЖА:

1. Кимёвий гомоген жаравонларда мувозанат.
2. Мувозанат шароитлари. Ле-Шател э принципи.
3. Мувозанатни силжитиш учун уни амалий қўлланиши.

Кимёвий технологиянинг барча жараёнлари иккита: кимёвий ва физикавий жараёнларга бўлинади. Кимёвий реакциялар, кимёвий – технологик жараёнларнинг энг муҳим босқичидир.

Кимёвий технологик жараёнларни классификациялашда кимёвий реакцияларнинг оддий, мураккаб – параллел ва мураккаб – кетма-кетликка бўлиниш ҳисобига олинади.

Кимёвий – технологик жараёнларнинг айрим синфларини характерлашда реакциялар, реагентларнинг ўзаро таъсиrlашувини типига қараб иккига, оксидланиш – қайтарилиш (гомолитик ва кислота – асосига (гетеролитик) бўлинади. Кимёвий реакциялар ва масса ўtkазиш жараёнлари қайтар ва қайтмас бўлиши мумкин, шунга қараб технологик жараён ҳам фарқ қиласди.

Технологик жараёнларнинг классификациясида уларни оптималлаш учун зарур бўлган технологик режим катта аҳамиятга эгадир. Технологик режим деб жараённинг тезлиги, маҳсулотни унуми ва сифатига таъсиr этувчи асосий факторлар (параметрлар) йиғиндинсига айтилади.

Кўпчилик кимёвий – технологик жараёнлар учун режимнинг асосий параметрлари хорорат, босим, катализаторларни қўллаш ва уларнинг активлиги, ўзаро реакцияга киришувчи моддаларнинг концентрациялари, реагентларнинг аралаштириш усуllари, кабилар ҳисобланади.

Кимёвий технологиянинг умумий қонуниятларини ўрганишда жараёнлар ва унга мос ҳолда реакторларни аввало реакцияга киришувчи моддаларнинг агрегат ҳолатига қараб бўлиш қабул қилинган. Шу сабабли, барча ўзаро таъсиrlашувчи моддалар системаси ва унга мос келувчи технологик жараёнлар ушбу белгиларига қараб гомоген ёки бир жинсли ва гетероген ёки кўп жинслига бўлинади.

Гомоген деб шундай жараёнларга айтиладики, бунда реакцияга киришаётган барча модда бир хил: газ (Γ), суюқ (C) ёки қаттиқ (K) фазада бўладилар. Гомоген системада ўзаро таъсиrlашаётган моддаларнинг реакцияси гетероген системадагига нисбатан, одатда, тез кетади, барча технологик жараёнларнинг механизми содда, жараённи бошқариш осон, шунинг учун ҳам технологияда, амалиётда кўпинча гомоген жараёнга интилинади, яъни, қаттиқ реакцияга киришувчи моддаларни ҳеч бўлмагандা улардан бирини эритиш ёки суюқлантириш йўли билан суюқ ҳолатга ўtkазилади. Шу мақсадда газлар конденсацияланади ёки абсорбцияланади.

Гомоген система икки ёки ундан ортиқ фазали бўлади. Қўйидаги икки фазали системалар бўлади: газ-суюқ, газ-қаттиқ. Ишлаб чиқариш амалиётида қўйидаги системалар кўп учрайди.

17
 $\Gamma - C, \Gamma - K, C - K$.

Бир мунча ишлаб чиқариш жараёнлари, кўп фазали гетероген системаларда кечади, масалан,

$\Gamma - C - K, \Gamma - K - K, C - K - K, \Gamma - C - K - K$ ва ҳоказо.

Ишлаб чиқариш амалиётида гомогенга қараганда гетероген жараёнлар кенг тарқалган. Бунда одатда жараённинг гетероген босқичи диффузион характер касб этади, кимёвий реакция эса газ ёки суюқ муҳитда гомоген жараёнда боради. Аммо бир қатор ишлаб чиқаришларда $\Gamma - K, \Gamma - C, C - K$ чегарасида гетероген реакциялари боради ва у одатда, жараённинг умумий тезлигини белгилайди. Гетероген реакциялар жумладан суюқ ва қаттиқ моддаларнинг ёнишида (оксидланганда), металл ва минералларнинг кислота ва ишқорларда эриганида содир бўлади.

Технологик жараёнларда мувозанат. Кимёвий жараёнлар қайтар ва қайтмасга бўлинади. Қайтмас жараёнлар фақат бир йўналишда боради. Қайтар кимёвий реакциялар тўғри ва тескари йўналишда боради. Бироқ турек ишлаб чиқариш шароитида кўпгина кимёвий реакциялар амалда қайтмасдир. Масалан,



Реакция газ аралашмаларини CO₂ дан тозалаш шароитида уларни оxaкли сутда ювилади ва у амалда қайтмасдир. Күпгина мураккаб реакциялар ҳам қайтмасдир. Масалан, пиритни күйдириш реакцияси:



Ҳамма қайтар кимёвий технологик жараёнлар мувозанатга интилади, уларда туғри ва тескари жараённинг тезликлари тенглашади, натижада ўзаро таъсир этувчи тизимда уларнинг компонентлари ташки шароит ўзгармагунча ўзгармасдан қолади.

Компонентлардан бирининг (ёки моляр ҳажм, тескари концентрация) ҳарорат, босим ва концентрациялари ўзгаришида мувозанат бузилади ва янги шароитда мувозанат тикланиши учун системада ўз-ўзидан диффузиян ва кимёвий жараёнлар содир бўлади.

Кимёвий мувозанатга термодинамика нинг иккинчи қонунининг умумий кўринишини тадбиқ этамиз, яъни алоҳида олинган системада кимёвий мувозанатнинг шартларидан бирида энтропия S максимум ҳисобланади.

Энтропиянинг кейинги ўзгаришида ҳамма ўз-ўзидан содир бўладиган жараёнлар учун мувозанат ҳолати содир бўлмайди, яъни $dS = 0$.

Гомоген ва гетероген системаларда технологик шароит параметрларининг мувозанатга таъсири термодинамиканинг иккинчи қонунини ифодаловчи Ле Шателье принципи орқали аниqlанади.

Мисол учун экзотермик реакция синтезига Ле Шателье принципининг тадбиқ этилишини кўриб чиқамиз:




бу ерда: m , n – реагенттердин мөлдөрү; A , B – реагенттердин мөлдөрү; ΔH – энтальпияның аныкчалык мөлдөрү; ρ – реакциянын түзүлүштөрдөн көбүнчөлөгүүдөн толык мөлдөрү.

$q_p = -\Delta H$. Моддалар җажмини V_A орқали белгилаб $V_A + V_B > V_D$ ҳосил қиласиз, яъни реакция җажмнинг камайишига қараб боради.

Чиқаётган маҳсулотнинг микдорига таъсир қиласидиган асосий шароитлар – ҳарорат t , босим p ва таъсирлашаётган моддалар концентрацияси C_A , C_B , $v_A C_D$.

18
Мувозанатни ўнг тарафга силжитиш учун, яъни маҳсулот миқдорини ошириш (мувозанатли чиқишини ошириш) учун Ле Шателье принципига биноан ҳарорат t ва маҳсулот концентрацияси C_D ни камайтириш керак, яъни реакцион зонадан маҳсулотни чиқариш ҳамда босим r ва реакцион зонада дастлабки моддалар концентрацияси C_A ва C_B ни ошириш керак. Шунингдек, C_A нинг ошиши B модданинг тўлиқроқ ўзгаришига ёрдам беради ва аксинча. Бу ҳол саноатда кўп ишлатилади. Масалан, водород хлориднинг синтезида:



Назорат саволлар:

- 1.Кимёвий гомоген жаравонларда мувозанат нима?
 2. Мувозанат шароитлари. Ле-Шател э принципи?
 - 3.Мувозанатни силжитиш учун уни амалий құлланиши

7-Мавзу: Технологик жараён тезлиги

РЕЖА:

- 1.Кимёвий технологик жараёнларга таъсир этувчи омиллар
- 2.Жараён тезлигига таъсир қилувчи омиллар

Массалар таъсири қонунини 1867 йилда Норвегиялик химиклар К.Гульдберг ва П. Вааге кашф этди.

Бу қонун қыйидагича таърифланади: икки кимёвий модданинг ўзаро таъсирлашув тезлиги уларнинг реакцион системадаги концентрацияларга түғри пропорционал бўлиб, кимёвий мувозанатнинг қарор топиши эса түғри ва тескари раекциялар тезлигига боғлиқди р.

Бу қонунга биноан $A+B \rightleftharpoons C+D$ оддий жараёнда түғри реакциянинг тезлиги $V_1=K_1[A]^*[B]$; тескари реакциянинг тезлиги эса $V_2=K_2[C]^*[D]$ га teng. $V_1=V_2$ бўлганда системада кимёвий мувозанат қарор топади.

Мувозанат константаси қиймати K_m ни умумий ҳолда қыйидагича ифодалаш мумкин:

$$K_m = ([C])/([A]) ([D])/([B])$$

Бунда K_m - мувозанат константаси, $K_m=K_1/K_2$, K_1 ва K_2 - түғри ва тескари реакциянинг тезлик константалари. Улар шартли равишда константа деб аталади.

Бу доимий қиймат берилган реакция учун доимий доимий шароитда түғриди. Улар реагентларнинг концентрациясига боғлиқ эмас, лекин температуранинг ўзгариши билан ўзгаради. Реагентларнинг кимёвий хоссалари, температура, катализаторлар ва ҳ.к. K_1, K_2 , K_m нинг қийматларига, кимёвий реакция тезлиги ва системанинг мувозанатига кучли таъсир қилиши мумкин.

Стехиометрик тенгламалар. Моддалар маълум нисбатларда таъсирлашади, бу кимевий тенгламаларда ўз ифодасини топади. Булардан реакция ўтаётганда таъсирлашувчи аралашма таркиби ўзгариши аниқланади.

• Стехиометрик тенгламалар моддалар қандай нисбатларда бирикишини кўрсатади.
Стехиометрик тенгламалар умумий кўриниши:

$$\nu_A A + \nu_B B + \dots = \nu_R R + \nu_S S + \dots \quad (2.1)$$



• бу ерда A, B, \dots - дастлабки моддалар; R, S, \dots - маҳсулотлар; $\nu_A, \nu_B, \dots, \nu_R, \nu_S$ - стехиометрик коэффициентлар.

• Стехиометрик тенгламада кимёвий элементлар баланси сақланади. Ҳар бир элементнинг дастлабки модда ва маҳсулотлардаги мидори ўзаро тенг бўлади. Шу боис стехиометрик тенгламаларни алгебраик деб хисоблаш дейилади.


Стехиометрик тенгламалар сони. Стехиометрик тенгламалар бир неча усуllibarda ифодаланиши мумкин. Аммиак синтези реакцияси қыйидаги стехиометрик тенглама билан ёзилади:



Метаннинг буғдаги конверсияси икки босқичда ўтади:



Қүйидаги стехиометрик тенгламани ҳам ёзиш мүмкін:



Тенгламалар сони моддалар сонидан күплиги маълум. Шу боис тенгламалар мажмуаси аниқ бўлиши талаб этилади. Айтайлик, ўзгаришларда В моддалар иштирок этаяпти, улар сонини ўзгаришлардан сўнг аниқлаш лозим бўлади. Бунинг учун В га тенг тенгламалар керак бўлади. Лекин моддалар Э га тенг кимёвий элементлардан ташкил топади, ҳар бир тенгламада элементлар баланси сақланади.

Кимёвий мувозанат ўзгариши ташқи шароит ўзгариши билан амалга ошади. Таъсир Ле-Шателье номи билан аталувчи принцип қоидасига биноан амалга ошади. Бунда кимёвий мувозанатда турган системага таъсир этилса, унда система шу таъсирни камайтириш холатига караб ўзгаради.

Кимёвий жараённи бошкариш шу қоидага мос усуулларга таянади. Мувозанатга таъсир этувчи омилларга тўхталашиб.

1. Температура. Температурани ошириш кўшимча иссиқлик келтиради. Агар эндотермик реакция тўғри йўналишда, экзотермик реакция эса тескари йўналишда борса, бу эффектни камайтиришга эришиш мүмкін бўлади.

Тегишлича, мувозанатдаги айланиш даражаси эндотермик реакция учун ошади, экзотермик реакция учун эса камаяди. хм

(Т) бундай ўзгариши 2 .9 - расмда кўрсатилган. Бундан хм нинг ошириш усули келиб чиқади - эндотермик реакция учун температура оширилади, экзотермик реакция учун эса камайтирилади .

2. Босим . Ле-Шателье принципига кўра, босим Р ни оширишга мувозанат сурилиши қаршилик қилиши керак , бу босимнинг пасайиши, яъни реакцион аралашма ҳажмининг камайишига олиб келади.

Агар реакция ҳажм камайиши билан борса, унда босим Р нинг кўпайиши юқори айланиш (хм нинг ортиши) га олиб келади. Ва аксинча, реакцияда ҳажм ошуви системада мувозанат хм нинг камайиш томонига силжийди .

• Мана бу боғланиш $P_i = PC$; билан тенгламадан фойдаланиб, газ фазасидаги реакциялар учун қўйидаги тенгламани ёзиш $\Delta v = 0$ можони яратилади:

$$K_M = P^Y \left(\frac{C_R^{YR} C_S^{YS}}{C_A^{YA} C_B^{YB}} \right)_M$$

• бу ерда $\Delta v = (v_R + v_s + \dots) - (v_A + v_B + \dots)$ - реакцияда моллар сонининг ўзгариши.

• ар реакция ҳажм ошуви билан борса ($\Delta v > 0$), унда Р (ва Р Δv нинг хам) ошуви, юқоридаги

тенглигидан кўринадики, R,S, махсулотларнинг концентрацияси камайишига олиб келади. Агар $\Delta v < 0$ бўлса , унда Р нинг ортиши (Р Δv нинг камайиши) махсулотлар концентрацияси ва айланиш даражасининг ўсуви билан компенсацияланади.

• Аммиак синтези ҳажм камайиши билан боради. Босим $P = 1\text{at}$ (=0,1МПа) бўлганда 1,0 фоиз аммиак хосил бўлади. Лекин х нинг

Лекин хм нинг температура пасайиши билам ортиши кучли совутишни талаб килади, бунда айланиш тезлиги амалда нолга тенгdir. Амалиётда босим оширилади, реакция 300 ат (30 МПа) босим остида ўтказилади. Дастробки аралашманинг стехиометрик нисбати H₂:N₂ = 3 га тенг бўлиб, реакция охиригача шундай сақланади. Аммиакнинг мувозанатдаги концентрациясини См билан белгилаймиз. Бунда

1-См азот билан водороднинг мувозанатдаги концентрациялари йигиндиши бўлиб, тегишлича С1м = 0,25 (1 – См) ва С2м = 0,75 (1-См) га тенг бўланади.

Гетероген реакциялар учун ҳам худди шундай хулосалар қилинади - босимнинг мувозанатни силжитиши реакциядаги аралашма ҳажми ўзгариши билан боғлиқдир. Босимни ошириш қурум ҳосил қилиш реакциясида углерод ҳосил бўлиш вазиятини вужудга келтиради (2.24). Пайдо бўлиш вазияти юзага келади (2.24). Суюқ ва конденсирланган муҳитда (суюқ ва қаттиқ) босим мувозанатдаги таркибга таъсир қилмайди.

Назорат саволлар:

1.Кимёвий технологик жараёнларга таъсир этувчи омиллар

2.Жараён тезлигига таъсир қилувчи омиллар

8-Мавзу: Жараён тезлигини ошириш усуслари

РЕЖА

- 1.Гетероген жараёнлар. Уларни туркумлаш.
- 2. Масса узатиш.
- 3. Гетероген системалар: газ-суюқлик, газ-қаттиқлик. суюқлик-қаттиқлик ва ҳакозаларда масса узатиш юзасини ошириш.

Гетероген технологик жараёнларда икки ва ундан ортиқ фазалар бўлади.

• Улар икки ёки кўп фазали жараёнларга бўлинади. Бу жараёнлар саноатда кўп тарқалган ва улар асосан диффузион областда боради. Масса алмашиниви фаза устида боради, уларга соғ физик, физик-химиёвий ўзгаришлар киради.

• Мисол абсорбцион, адсорбцион жараёнлар, десорбция, кристаллизация, буғлатиш, суюқлантириш ва хоказолар.

• Температурага қараб паст ва юқори температурада борадиган жараёнларга ва шулар каби каталитик ва нокаталитик жараёнларга;

• паст ва юқори босимда борадиган жараёнларга;

• экзо- ёки эндотермик жараёнларга;

• кинетик ва диффузион областда борадиган жараёнларга;

• даврий ва узлуксиз жараёнларга;

• тўла ва идеал сиқиб аралаштирувчи жараёнларга(гомоген система);

• параллел, қарама-қарши ва кўндаланг(гетероген сис-ма);

• оқимда борадиган жараёнларга;

• реактор турига қараб: адиабатик, изотермик ва политеттермик температура режимида ишлайдиган жараёнларга;

• реакция турига қараб: оксидланиш-қайтарилиш (гомолитик), кислота-асос, гетеролитик таъсирланувчи оддий, мураккаб- параллел, мураккаб-кетма-кет кетадиган жараёнлар тури ҳам мавжуд.

• Масса алмашинув жараёнлари - контактлашувчи фазаларнинг компонент таркиби ўзгарган ҳолда кимёвий таркиб тубдан ўзгармай қоладиган фазалараро жараён. Булар эриш, кристаллениш, қуритиш, дистиллаш, ректификация, абсорбция, экетракция, десорбциялаш жараёнлари бўлиб, тегишлича аппаратлар бўлган қуригичлар, дистиллятор, ректификатор, адсорбер, экетрактор ва десорберларда олиб борилади.

• Аммиак синтези ҳажм камайиши билан боради . Босим Р = 1 ат (=0,1 МПа) бўлганда 1,0 фоиз аммиак ҳосил бўлади. Лекин x_m нинг температура пасайиши билан ортиши кучли совутишни талаб киласди, бунда айланиш тезлиги амалда нолга тенгдир.

• Амалиётда босим оширилади,

• реакция 300 ат (30 МПа) босим остинда

• ўтказилади. Даствлабки аралаш манинг

• стехиометрик нисбати $H_2 : N_2 = 3$ га

• тенг бўлиб, реакция охиригача шундай

• сақланади.

• Гетероген реакциялар учун ҳам худди

• шундай хулосалар қилинади - босимнинг мувозанатни силжитиши реакциядаги аралашма ҳажми ўзгариши билан боғлиқдир. Босимни ошириш қурум ҳосил қилиш реакциясида углерод ҳосил бўлиш вазиятини вужудга келтиради. Пайдо бўлиш вазияти юзага келади. Суюқ ва конденсирланган муҳитда (суюқ ва қаттиқ) бўлади.

- Гетероген кимсвий жараёнда дастлабки моддалар ва маҳсулотлар турли фазаларда бўлади. Гетероген системада реакциялар бир мунча мураккаб ўтади, механизм ҳам кўп босқичларга бўлинади.
- Гетероген кимсвий жараёнда дастлабки моддалар ва маҳсулотлар турли фазаларда бўлади. Гетероген системада реакциялар бир мунча мураккаб ўтади, механизм ҳам кўп босқичларга бўлинади.
- Гетероген система деб икки ва ундан ортиқ қисмлардан ташкил топиб, бир-бирларидан физик ёки кимёвий хоссалари билан фарқланувчи ҳамда бир-биридан юза қисми билан ажralган системага айтилади.босим мувозанатдаги таркибга таъсир қилмайди.
- Гетероген системанинг алохида бўлган бир хил қисмлари унинг фазалари деб аталади. Масалан, муз (қор), сув ва унинг устида бўлган буғи уч фазали гетероген системани ташкил этади, булар қаттик (муз), суюқ (сув) ва газ ҳолатида (сув буғи)дирлар.
- Гетероген системанинг алохида бўлган бир хил қисмлари унинг фазалари деб аталади. Масалан, муз (қор), сув ва унинг устида бўлган буғи уч фазали гетероген системани ташкил этади, булар қаттик (муз), суюқ (сув) ва газ ҳолатида (сув буғи)дирлар.
- Бирор кислота ва унга тушириб қўйилган металл сим икки фазали системадир. Гетероген системада диффузия ҳодисаси катта роль ўйнайдиган омиллардан биридир. Диффузияни сунъий кучайтириб, реакция тезлигини анча ошириш мумкин. Бунга аралаштириш, силкитиш, поршенлар ҳаракати ёки бошқа механик йўллар билан эришиш мумкин.
- Жараёнда иштирок этаётган фазалар хили (кўриниши) бўйича гетероген реакциялар куйидагиларга бўлинади:
 - а) «Газ-қаттиқ (жараёнларнинг бу хилига газлар адсорбцияси ва десорбцияси, қуруқ ҳайдалиш, рудаларни куидириш, металларни оксидлаш, қаттиқ оксидларни қайтариш, қаттиқ ёқилгиларнинг ёниши киради).
 - б) «суюқлик-қаттиқ» (суюқликдаги адсорбция, десорбция, эритиши, ишқорлаш, кристаллаш);
 - в) «газ-суюқлик» (суюқликдаги адсорбция, десорбция, эритишини буғлатиб эритмаларни концентрлаш, конденсатлаш, суюқ аралашмаларни хайдаш - дистиллаш, ректификациялаш);
 - г) аралашмовчи «суюқлик-суюқлик» системаси (экетракция,
 - эмульгирлаш);
 - д) «қаттиқ-қаттиқ (пишириш, цемент ва керамик буюмлар олиш, юқори температурали ноорганик материаллар синтези);
 - е) кўп фазали «газ-суюқлик-қаттиқ, «аралашмовчи суюқликлар-газ ёки каттиқ» системалар. Гетероген жараённи ўтказиш ишроити хар бир фаза ҳолати ва уларнинг бир-бири билан таъсирлашиш параметрлари хизматдир.
 - Фазалар контактида реагентлар реакция ўтиш жойига етказилади - бу реакция шароитлари бўлиб, ҳосил қилинган ташки шароитдан фарқланади; температура ҳам фаркланиши мумкин.
 - Модда ва иссиқлик кўчиш фазалари ўзаро таъсирлашуви шароитларига боғлиқ бўлади (окимлар тезлиги ва йўналиши, юзалар конфигурацияси) ва транспорт килиш хоссалари (диффузия, иссиқлик ўтказиш ва ёпишқоклик коэффициентлари)га боғлиқ бўлади.
 - Реакция шароити бир вақтнинг ўзида реакция ўтиши ва кўчиш ҳодисасининг рўй беришида концентрация ва температуранинг кайта тарқалиши натижасидир, яъни гетероген жараён кўп босқичли эканлигидан дарак беради²²Реакция шароитларини жараён шароитлари билан ифодалаш мумкин бўлиб, булар берилган ёки маълум - уларни ўлчаш ёки «кузатиш» мумкин.
 - Гетероген кимёвий жараёнда айланиш тезлигининг жараён шароити орқали ифодаланиши айланишнинг кузатиладиган тезлиги WK. ҳисобланади.
 - Агар айланиш тезлиги реакция ўтиш жойида концентрация C' ва температура T'га боғлиқ, яъни $w(C', T')$ бўлса, унда C' ва T' жараён шароитлари бинан аникланади, шу боис кузатиладиган айланиш тезлиги унинг параметрлари (масалан, оким тезлиги)га боғлиқ бўлади:
 - $w(C', T') = WK(C, T, u, \dots)$
 - Гетероген кимёвий жараённинг асосий вазифаси W_k (C, T, u, \dots) боғликлигинн аниклаш ҳисобланади.
 - Кўп босқичли жараснда уни ташкил этувчилар турлича бўлиши мумкин. Бунда чегараловчи босқич тушунчаси киритилади, жараён рсжими мазкур босқич аникланувчи жараён тезлигини чеклаб туради.
 - Қаттиқ жисмлардаги кўчиш механизми суюқлик ва газлардагидан тубдан фарқланади. Газ ва сукжлик - окувчан фазалар бўлнб,харакатчан юзага эга бўлади. Буларда кўчирншнинг конвектив таркиби хиссаси катта бўлиб, каттиқ жисмнинг харакатенз ички структураси ваташки конфигурация бу ҳолатйўклиги бинан фарқланадп. Мазкур ҳолат кимсвий жарасн учун юкорида кўрсатилган гетероген системаларнинг кўп кўринишлари модслларини 2 хилда тузишга имкон беради:
 - «Газ (суюқлик)-қаттиқ» - окувчан ва қаттиқ фазанинг ўзаро таъ-сирлашуви;
 - «газ (суюқлик)-суюқлик» - окувчан фазаларнинг бир-бири билан таъсирлашуви.

- «Газ (суюқлик)-қаттиқ» системаси

Жараённи ўрганишда қаттиқ реагентни шар кўринишдаги заррача сифатида деб оламиз. Заррача юзаси бир хил - компонентлар кўчиши бутун юза бўйлаб оқимда баравар тарқалади.

• Қаттиқ заррача ўлчами жараёнда ёниш, эриш, кўчиш хисобига ўзгариши мумкин ёки ўзгармаслиги ҳам мумкин. Заррача ва оқим температураси бир хил деб оламиз. Қаттиқ заррача ўлчами ўзгарувчи жараён.

• Ушбу жараёнда газ билан қаттиқ заррачанинг ўзаро таъсиrlашув маҳсулоти газ ҳолатида бўлади:

$$A_r + B_k = R_r,$$

